
Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг навбатдаги 99-сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгашининг раиси Ш.Тожихакимов очди ва олиб борди.





Сессия ишида туман сектор раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январ кунги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4102-сонли Қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2024 йил 3-чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан хисобот бериб ўтилди.







2024 йил III- чораги 9 ойлигида Данғара туманида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан Данғара тумани Халқ қабулхонаси мудири Баҳромжон Мамаджанов Ахмедовичнинг ахбороти тингланди.





Данғара туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи К.Х. Латиповнинг туманда ўтказилган “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024-йил 2-мавсуми якунларига кўра юқори овоз тўплаб қолиб бўлмаган 2 та лойиҳани қўшимча тарзда қолиб деб топиш ва 2024-йил 9-ойлигида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилиб, сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2024-10-09 18:29:41